

ХОСИЯТ АКРАМОВА

СУМАНБАР
ТОНГЛАР

ШЕЪРЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2014

УЎК 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

A-42

Акрамова Х.

Суманбар тонглар: шеърлар/Х.Акрамова. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2014 й. — 56 б.

ISBN 978-9943-27-343-6

Ушбу китобга шоиранинг Ватан, муҳаббат, айрилиқ, соғинч ҳақидаги шеърлари жам бўлган. Уларни ўқиганингиз сари кўнглингизга гўё меҳр, нур, бегуборлик оқиб кираётгандек ҳис этасиз ўзингизни. Баҳорнинг бетакрор исини, ҳижроннинг аламли оғриқларини туйгандек бўласиз...

ISBN 978-9943-27-343-6

© Хосият Акрамова, «Суманбар тонглар». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Осмонинг беғубор, тонглар тинч отар,
Дарёларинг жўшиб завқ билан оқар,
Саҳарда қуёшни элим уйғотар,
Сен она юртимсан, азми улуғим,
Номлари қутлуғим, қалби ўтлуғим.

Не-не азизларнинг қадами етган,
Жаҳонга шуҳрату доврўфинг кетган,
Етти иқлимда йўқ сендайин макон,
Сен жисмимда жоним — кўзу қароғим,
Ҳақ йўлни ёритган шамсу чироғим.

Номинг дoston бугун, жаҳон тан олгай,
Кўксинг осмон бугун, кўнгиллар тўлгай,
Сени бир бор кўрган жаннати бўлгай,
Сен — она юртимсан, ота маконим,
Дилимга мадорим, меҳрга коним.

Мусаффо ҳаводан нафасинг эркин,
Куйларинг эркин, йўлларинг ёрқин.
Муборак ёшингни қутлайин бу кун,
Сенга бахшидадур дилимда борим,
Жаннатларга тенг, она диёрим.

Сени жондин суйиб, этаман эъзоз,
Қанчалар куйласам, ардоқласам оз.
Ўзига бек халқим, байрамларинг соз,
Сарбони улуғим, йўли ёруғим,
Жонажон юртимсан, Ўзбекистоним.

О, ГЎЗАЛ ҚАРШИМ

Бир латиф ташбеҳни топмасдан олдин,
Гўзал кўчаларинг, боғларинг кездим.
Файзли оқшомингдан яшариб қалбим,
Кўксим даштларингдек кенгайди, сездим.

Сен учун ёнишга розидир бағир,
Билмам қай йўсинда ёзай таърифинг.
Маҳшарда ҳам ёрқин янграйди ахир,
Муқаддас ва қадим шарафли номинг.

Юлдуздай чақнатиб айтай сўзимни,
Етти иқлим аро мубораклигинг.
Инжа давлатимсан фақат ўзимнинг,
Айтай тупроғингнинг табарруклигин.

Харбу зарб қиссасин кўрдим варақлаб,
Ҳар дамда ажал ўз домига тортган.
Ёв йўлига чиққан ҳатто дарахтлар,
Баргларин ўқ қилиб ёвларга отган.

Шундай асрангансан ёвлар тифидан,
Яшадинг жасурлик қисматин танлаб.
Амир Темур бобом собит илқидан,
Озодлик ва ҳурлик матлабин англаб.

Тўйингда юбилей сарупосин кий,
Қадринг осмон қадар балаңд тутгайман!
Кувончда шаршара, қайғуда қирғий,
Хосият қизингман, куйлаб ўтгайман.

ОНА ЮРТИМ

Она ерим, юртим аждодлар ёди,
«Ўтган кунлар»имдан ёруф сувратим.
Сен менинг қисматим, нурли муродим,
Жисмимдаги жоним, юрак қувватим.

Мозийдан келдим мен, рангим заъфарон,
«Сомон йўл»ларидан ўтдим оҳиста.
Ўз йўлим, ўзлим, кунларим шодон,
Ёрқин келажакка умрим пайваста.

Сен гўзал бир маъво эй, она юртим,
Минг бир жон риштадан оқаётган қон,
Боғларингда гулдай барқ уриб ўсдим,
Сен менинг Ватаним, жон Ўзбекистон.

ҲУРЛИК

Нега тан олмайсиз, қалби сўқирлар,
Юрт узра чиқди-ку истиқлол — қуёш!
Нега тан олмайсиз,
Ғолиб,
музаффар —
бу буюк ҳақиқат-ку,
буюк ҳақиқат!
Булутилар тарқади,
ҳаво мусаффо,
Қуёш ҳам яшнади таратиб нурлар.
Дўдан пишқирган
пўртана сувлар —
яъни кўлмаклар,
Ҳа, ўша кўлмаклар
Нурга бардош беролмай,
қуриб битдилар.
Яшариб, яшнатиб
майса, ўтларни
жилғалар жилдираб,
майин жилдираб...
Азим дарё бўлиб
Жўшиб оқдилар.
Эсди-ку мана ўша —
Ҳурлик еллари.
Гўзал, ҳушқол эсиб,
дилни ўртайди.
Ҳар бир гиёҳга
Ҳаёт, яшаш, эрк,
бахтдан куйлайди.
Бу буюк ҳақиқат-ку,
Буюк ҳақиқат —
Ҳурлик, озодлик!
Тан олаберинг сиз, қалби сўқирлар,
Нурланиб улғайди истиқлол қуёш.

УЙҒОНГИН, ЭЙ ДИЛ

Шоир шивирлайди: «Уйғонгин,
уйғон, эй дил.
Атрофга боқгил
Юртимда байрам.
Сен уйғон!
сен уйғот, тан олсин энди
Иштибоқ билмаган
Маъвоси йўқлар.
Отимни билдим,
Зотимни билдим.
Аждодимни, қадримни билдим,
Қиблагоҳим қай томон билдим.
Тарих тирик, ўлмай туриб,
Кимлигимни топдим ахтариб.
Не дунёлар жим ўтган билдим,
Юраклардан сим ўтган билдим.
Ўзлигимни,
бахтимни топдим.
Ҳақиқатим, тахтимни топдим.
Гўзал бир маъво — ВАТАНИМ билдим,
Анга жисму жоним нисордир», дедим.
Шоир шивирлайдир, «Уйғонгин,
уйғон, эй дил.
Атрофга боқгин
Юртимда байрам!
Сен уйғот, тан олсин энди
Ҳурликни билмаган
Маъвоси йўқлар».

НАВРЎЗ КЕЛДИ ҚАШҚАДАРЁГА

Яна баҳор келди Қашқадарёга,
Яна Наврўз келди сўлим саҳрога.
Доира овози кўчиб самога,
Яна тўй бошланди Қашқадарёда.

Уйғонди Момо ер, уйғонди борлиқ,
Баҳорни мадҳ этар боғларда қушлар.
Завқдан кўнгиллар қилади торлик,
Одамлар қалбида ширин ташвишлар.

Адирлар бағрида лолақизғалдоқ,
Бойчечак баҳорий даракчи гул бу.
Кўкда соллоланар момақалдироқ,
Бодроқ ғунчаларнинг лабида кулгу.

Най камалак бўлиб учар капалак
Ариқлар бўйида дил яйрар ялпиз.
Дошқозонларда қайнар сумалак,
Барака-қут тилар баҳорой ҳурқиз.

Яна баҳор келди Қашқадарёга,
Яна Наврўз келди сўлим саҳрога.
Доира овози кўчиб самога,
Яна тўй бошланди Қашқадарёда.

НАВРЎЗИМ, ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Табиатга айлаб карам, нону тузим, хуш келдингиз,
Жонларимга бўлиб малҳам, ёниқ сўзим,
хуш келдингиз.

Дилгинамга шавқ уйғотар ирмоқчаларнинг хониши.
Куйлашибон савту ажам, илғар кўзим,
хуш келдингиз.

Гунча лаблар ниш урибдур, бошланибдур
шўх анжуман,
Келинчақдек зебо санам, ризқу рўзим,
хуш келдингиз.

Бойчечагим юз очибдур, қолиб келиб қор,
музлардан,
Кўрсатиблар сабру чидам, ой юлдузим,
хуш келдингиз.

Кўнглин очди хуш Хосият табиатдин завқ-шавқ олиб,
Тушмагайдир қўлдин қалам, гул Наврўзим,
хуш келдингиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/1944> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1944> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1944>